



Хар бир халкнинг тарихий илдизлари жуда қадим замонларга бориб такалса-да, барча даврлар тарихчилари халкнинг вужудга келганлигини муайян санадан (албатта, ўз фикрига кўра) бошлашга интиладилар. Жумладан, римликларнинг тарихи боши жуда бир шартли бўлиб - Рим шаҳри асосланишидан, араблар Мухаммаднинг Маккадан Мадинага хижрати - аниқ тарихий фактдан, рус йилномачилари 862 йилни танлаб олиб, рус тарихини шундан бошлашига кўникдилар, француз йилномачилари бошланиш деб Хлодвиг Меровингни олишса, тарихчилари Огюстен Тьерри ташаббуси билан Буюк Карл империяси бўлинган сана - 843 йилни оладилар. Туркутлар учун ана шундай сана 545 йилдир.

Шимолий Хитойда янги уруш авжида. Шаркий Вэй империясининг ҳукмдори Гао Хуан Жужан хони Анахуан ва Тогон шоҳи Куалйуй билан иттифокца Гарбий Вэй империясига ҳужум қилиб, рақиби Йуйвин Тайни сиқиб қўядилар. Гарбий Вэйнинг императори Вэн-ди ўзига тарафдорлар излайди ва дўстлик муносабатлари ўрнатиш ниятида Ан Нопанто деган кимсани турк беги Бумин ҳузурига йўллайди.

Туркутлар даргоҳига 545 йилда етиб келган вакилни бу ерда яхши кайфият билан кутиб оладилар. "Ўрдада ҳамма бир-бирини табриклаб, бизга буюк давлатнинг вакили келди, энди бизнинг салтанатимиз ҳам тезда гурқираб кетади," дейишарди. Ушбу арзимас бир воқеа шуни кўрсатадики, жужанлар ҳукмронлиги туркутлар учун огир кечган ва озодлик учун курашишдан улар чўчимаганлар.

Халкининг хўжаси бўлмиш жужан хонининг райига қарши, лекин халқ истагига мувофиқ равишда Бумин Гарбий Вэйнинг пойтахти Чанъанга совға-саломлар билан жавоб элчилиги юбориб, хўжайинининг душмани билан иттифокни мустаҳкамлайди. Аммо бу жужанлар билан муносабатнинг узилишига олиб келмаиди, зотан, музокаралар нихоятда

махфий олиб борилган кўринадди. Бу элчилик туркут давлатининг Гарбий Вэй ва унинг ворислари бўлмиш Бэй-Чжоуларнинг Шимоли-Шаркий Хитойга (бу ерда 550 йилдан Бэй-Ци сулоласи ўрнатилади) қарши курашида иттифокдош сифатида чорак асрлик сиёсатини бошлаб берди. Жахон сиёсатига кириб борар экан Бумин ҳам ўзи хирожтўлаб турадиган жужанларга қарши жангга киришга анча ожизлик қилишини аёнларди. Бумин бир пайтнинг ўзида иттифокдошлик ва вассаллик Гарбий телелар Жужан ҳукмронлиги остида ниятда мушкул ҳолатга тушиб қолишган эди. Ният уларнинг сабр қосади тўлди, кўзғолон кўтарилди, Гарбий Жунгориядан жужанлар юрагига зарба бериш учун Халха томон юрдилар. Юриш шу даражада ёмон ташкил этилган, вақт шундай бир ноаниқ ҳисобланган эдики, режали ташкилланган урушдан кўра, кўпроқ саросимага тушган омманинг табиий бир кўтарилишига ўхшарди. Кўзғолон раҳбарларининг номлари ҳам тарихда сақданмаган. Телелар хали йўлнинг ярмида эканлар, Гоби Олтойи дараларидан тўртбурчак зирҳли совутларда ўткир найзалар тутган, яхшилаб боқилган отларда саф тортган туркутлар пайдо бўлдилар. Телелар ёндан бериладиган зарбани қутмагандилар, бунинг устига уларга ҳеч қандай ёмонлик қилмаган туркутлар билан жанг қилиш ҳаётларига ҳам қелмаганди. Шунинг учун улар ҳеч иккиланмай, Буминга тўлиқ тобалик билдирдилар. Бумин тобаликни қабул қилиш билан иккинчи бор жужанларнинг раёйига қарши иш тутди.

Даштда бўйинсуниш икки томонга мажбурият юклайдиган тушунча. 50 минг ўтовниб ўз ҳукмида сакдаш учун ўша ўтов аҳдининг истагига биноан иш тутмок лозим.

Телелар бир нарсани - жужанларни йўккилишни истарди, уларни ўз ўрдасига қабул қилар экан, Бумин буни билган бўлиши керак. Айни чоғда буни унинг қабиладошлари ҳам хоҳдашгани учун урушдан чекиниб бўлмас эди. Қўл остидагиларнинг истак-хоҳиши хоннинг ҳам истаги билан ўйгун эди, шунинг учун воқеалар шиддатли кечди.

Жужаннинг тор-мор этилиши. Жужанлар билан ихтилоф келтириб чикаришга интилиб, айна чоғда, айбдор бўлиб колмаслик учун Бумин айёрлик йўлига ўтди. Жужан хони Анахуанга мурожаат қилиб маликани хотинликка сўради. Дашт одати бўйича, маликага уйланса, хон билан мавкеи тенг бўларди, хон эса ўз мавкеини йўкотадиган бундай таклифга рози бўлмасди. Хон каттик газабланиб кўпол жавоб қайтарди: "Эй менинг темир эритувчим (туркутлар жужанлар учун темир эритишарди), сен қандай қилиб менга бундай таклиф билдиришга журъат этдинг". Рад жавоби билан Бумин тахкирланди-ю, аслида Буминга ҳам шу керак эди. Ярашиш йўлларини кесиш учун у Жужан элчисини дорга осишга фармон берди, шунда Гарбий Вэй хонадони билан иттифоклик иш берди. Вен-ди билан музокараларни тезда тиклади ва 551 йил ёзида Хитой маликаси Чанлени хотинликка олди, бу унинг даштдаги кўчманчилар орасида обрўсини кўтариб юборди. Бумин 552 йил кишида жужанлар устига юриш қилди ва хужумни тўсатдан уюштириши натижасида жужанлар устидан тўла ғалабага эришди. Анахуан ўзини ўлдирди, унинг ўғли Янлочен иттифокцошлари қилар хузурига қочиб борди.

Бумин "Элхон" унвонини кабул килди, бироқ 552 йил охирларида вафот этди. Тахтга унинг Кора Иссиқхон унвонини олган ўгли ўтирди.

Туркутлар томонидан тўсатдан мағлуб этилган жужанлар ўлган хони ўрнига унинг амакиси Диншуцзини кўтариб, курашни давом эттирдилар. Бирок Лайшан тоғи ёнида бўлган жангда яна туркуглардан енгилдилар. Узоққа чўзилмаган бахтига қарши Қора Иссиқхон сирли равишда ўлади, унинг ўғли Шету тахтдан четлатилиб, ўрнига Қора Иссиқхоннинг ўкаси Кушу Муганхон лақаби билан ўтиради.

Янгихон катъиятли, шафкатсиз, жасур, аклли бўлиб, жангдан бошка нарса билан

кизикмас эди. 553 йилнинг кеч кузида у жужанларни яна маглуб этди. Ци императори ўзининг бахти каро иттифокдошларини каноти остига олиб, кувиб келаётган туркутлар шаштини кайтарди. Бирок жужанлар Хитойда яшашга кўника олмадилар. Мол-мулкидан ажралган, меҳнат килиб яшашга ўрганмаганликлари учун карокчилик йўлига ўтдилар ва Ци хукуматининг 554 йил кўкламида уларга карши кўшин жўнатишдан бошка чораси колмадн. Жужанлар енгилдилар. Лекин бу уларга сабоқ бўлмади, 555 йил ёзида Ци императори уларни ўз худудидан дашт томон хайдаб юборди. Бу ерда эса жужанларни шу кездек туркутлар ва киданлар янчиб ташлади.

Диншуцзи ўрдасининг колган-кутгани билан Гарбий Вэйдан бошпана излади, аммо бу ердагиларда Ци империясига карши курашиш учун иттифокдошга — туркутларга мухтожлик бор эди. Шунинг учун туркут элчисига уч минг оёк-кўли боғланган жужанларни тортиккилишди. Элчи барча вояга етган асирларнинг калласини олишни буюрди, айнаи чоғда "болалар ҳамда бекларга эргашиб келган хизматкорларга" шафкат килди. Жужанлар тугатилди ва туркутлар Буюк даштнинг шимолий кисмида якка хўжайин бўлиб олдилар. Жужанларни киргин килишдаги хизматлари учун туркутлар Вэй Гарбий империяси билан ўша 556 йилнинг ўзидаёк хисоб-китоб килдилар.

Жужанларнинг каллалари Чанъаннинг шаркий дарвозаси олдида думалаётган вақтда, туркут-хитой бирлашган кўшини Тогонга бостириб кирдилар, унинг ахолиси Наншан тоғларидан панохтопишга мажбур килинди. Голиблар Куалуй хоннинг кароргоҳи жойлашган Кукунор теварагидаги Шудун шаҳарчаси ва Хэмчен шаҳарчасини эгаллаб олдилар. Кейинги йилда тогонлар Хитой ерларига хужум уюштириб касдини олмокчи бўлдилар, бироккалъани кўлга кирита олмай, чекинишга мажбур бўлишди. Шимолдан киданларнинг (553 й.18), жанубдан Лян шохлигининг хужумларини (555 й.) кайтаришга бор кучини сарфлаб силласи куриган Ци империяси халок бўлаётган иттифокдошларига ҳеч қандай кўмак кўрсата олмай колди. Йуйвин Тайнинг ўғли Йуйвин Цзю муваффакиятлардан илҳомланиб наслийлик удумини четга суришга журъат этади ва Вэй сулоласининг сўнгги императорини тахтдан воз кечишга мажбур этиб, ўзи тахтга ўтиради ва янги ўз сулоласини Бэй-Чжоу деб атайди.

Шарқдаги уруш. Жужанларни бир ёқдик килиб туркутлар бошка кўчманчи кўшилариغا карши жиддий ҳаракатлар бошлашди. 554 йил кичик бир бекликдан империя яратилган йил бўлди. Шимолдаги Цигу давлати босиб олинди. Хитойлар "Цигу" деб киргизларними ёки чикларними атагани маълум эмас, туркутлар Саянни ошиб ўтолмаган бўлсалар-да, Муган хон шимолий чегараларини ўша вақтдан бошлаб анча мустаҳкамлаб олди.

Ўша вақтларда шарқда уч кавм: хитойлар хи деб атайдиган татаблар, киданлар ва хитой географларида Шивэй деб номланувчи ўттиз татарлар яшар эди. Учала халк ҳам мўгул тилининг шеваларида гаплашадиганлар бўлиб, турмуши, маданияти якин бўлишига карамай, муттасил ўзаро уруш ҳолатида эдилар. Татаблар Хинганнинг гарбий ёйбагрида макон тутиб, Бэй-Ци билан иттифокдош бўлиб келган. Киданлар Ляохе дарёсининг шимолидаги Манчжуриянинг чўл минтакасида яшаганлар. Улар татаблар билан доимо урушиб келган ва ўз-ўзидан Бэй-Ци билан чиқиша олмасди. 553 йилда Бэй-Цининг императори Вэй-ди киданларни тор-мор келтириб, бу кавмнинг катгта кисмини бўйсундирди. Колган кисми ё Когурио (Корея)га кочди ёки ўша кезларда Сарикденгиз хавзасигача етиб борган туркутларга таслим бўлдилар.

Киданлар устидан килинган галаба Бэй-Ци давлатини кучайтирмади, аксинча, унинг ташки сиёсий ҳолати ёмонлашди, чунки шимолда у туркут чегараларига такалиб келган эди. Санбийларнинг колган кисмини шафкатсиз равишда кириб ташлаш, буддизмни

очикчасига кўллаб-кувватлаш жуда катта харажат талаб этиб, ташки душманга каршилиқ килиш салохиятини заифлаштирди. Айни чоғдатуркутлар билан иттифокбўлганлиги, ўз аскарий табакасига суянганлиги учун ҳамда будда ва даос роҳибларига пул харажат килмаганлиги боис Бэй-Чжоу тобора мустахкамланиб, кучайиб борди. 579 йилда император У-ди буддизм ва даосизмни ман этиш ҳақида буйруқберди, Хитойнинг VIII Хенриси бўлмиш бу император "Само насли" унвонини олиб, тахтининг икки томонига Будда ва Лао-Цзи хайкаллари ўрнатади ва улар ўртасига ўтириб, итоатидагиларнинг таъзимини қабул қилади. Бу билан у динни ҳамманинг кўз-ўнгида обрўсизлантирмоқчи бўлади. Чжоу империяси Гарбий Осиёда ҳам машҳур бўла бошлайди, бу ердаги турли хукмдорлар у билан алоқа ўрнатишга интиладилар. 553 йилда эфталитлардан, 555 йилда Эрондан элчилар келишади. Тогонлар яна бир бор факат чжоуларнинг ўз кучлари билан мағлуб этилгач, 559 йилда Гаочан (Турфон)дан, 561 йилда Кучадан, 564 йилда Карашардан элчилар ташриф буюришади.

Бэй-Чжоу империясининг асосий максади шарқий Бэй-Ци империясини янчиб ташлаш эди, лекин бу империя ички манбаларидан оқилона фойдаланадиган бўлсагина, мустақиллигини тўла сақлаб қолиш имконига эга эди. Масаланинг ечими туркут хони кимнингтомонини олишига боғлиқэди. 561 йилда ҳар икки томон император Муганхонга элчилар жўнатиб маликани ўзларига сўрашадилар. Бой Бэй-Цинингтухфа-совгалари масалани ҳал этишга бир баҳя қолганида, Чжоу элчиларининг дипломатик усталиклари Муганхонни иттифокқошлиқ битимига содиқ қолишга мажбур этади. У совға-саломни қабул қилмай, қабул қилинмаган бойлиқнинг ўрнини ҳарбий ўлжа билан қоплашга қарор берди.

563 йилда иттифокдошлар қўшинлари Цзинян шаҳрини қамал қилдилар, бироқ қамални охирига еткази олмадилар ва туркутлар ўша ерларни талаб, қадрдон даштига қайтдилар. Кейинги йилги юришда эса Лоян ёнида Чжоу лашкарининг бири қилардан тўла мағлуб бўлиши Муганхоннинг ўз қўшинини орқага қайтаришга мажбур этди. Ушбу муваффақиятсизлиқларга қарамай, Ци томонидан таклиф қилинган иттифок тузиш ҳақидаги таклифни рад этди. Бунинг сабаби иттифокдошлиқ битимига биноан Чжоу империяси ҳар йили туркутларга тўлаб турадиган 100 минг парча ипак матолардир, деб билмок керак.

572 йилда Муганхон вафот этди. Унинг вориси ва укаси Тобохон Чжоу империяси билан мулоқотни тўхтатмай, Ци империяси билан битим тузади. Чжоу империяси бериладиган тўловдан юз ўғиришга журъат этган чоғида туркутларнинг бир марта ҳарбий намоиш ўтказишининг ўзиёқ ваъдага вафо қилиб, тўловларни вақтида тўлаш мажбуриятини қайта бўйнига олишга етарли бўлди. Ци империяси эса, туркутларнинг босқинидан қўрқиб, тинчлик учун тухфалар бериб, ҳазинасининг баракасини учирди. "Бизга жанубдаги икки бола (Чжоу ва Ци) итоатда бўлса бас, қамбағалликдан қўрқмаймиз" дерди Тобохон.

Ци империяси билан иттифок туркутларнинг Хитой билан маданий мулоқотига йўл очди. Тобохон қароргоҳида буддавий роҳиблар пайдо бўлди ва хбнни ўз динларига киритди. Будда ташвиқотчилари буддизмнинг бошқадинлардан устунлигини жўнгина қилиб исботлар, Будда қонунларига амал қилган Ци империясининг бойлиги ва қудратини далил қелтирар эдилар. Сал кейинроқ Ци империясининг енгилиши туркутларнинг буддизмга бўлган ҳурматига путур етказди ва Суй сулоласи тахтни эгаллагач 581 йилда буддавийлар Хитойга қайтиш зўрида қолдилар.

576 йилда чжоулар қиларни мағлуб этиб, Пхинъян шаҳрини

эгаллашгамуваффақбўлдилар. Цилар шахарни кайтариб олишгауриниб кўришди, бироқ омад чопмади ва Ечен шахрида камалда колган император, ушбу шахарни таслим Килишдан олдин Гао Юан-цзун фойдасигатахтдан воз кечди, 577 йилда Гао Юан-цзун ҳам асир олинди.

Тор-мор этилганига карамай, Тайюан шахрилиқ Гао Бао нин деган киши йиқилган сулоланинг сергайрат химоячиси сифатида майдонга чикди. 576 йилдаёқ, хали мағлубиятдан олдин у ҳозирги Чахар ўрнидаги Инчжоу чегара калъасининг кутволи этиб тайинланган эди. Киска муддат ичида Гао Бао нин нафакат хитойларнинг, балки кўчманчиларнинг ҳам хурматини қозонди. Бу ҳолат мағлубиятдан кейин унинг мустиқил иш юритишига имкон яратди. Гао Бао нин субутсиз сиёсий шухратпараст эмасди, унда Шимолий Хитойни қайта тикланиши учун зарур бўлган бурчга садокат, ватанпарварлик, курашда катъият каби ахлокий хислатлар мужассам эди. У голибларнинг эҳтиром билан таслим бўлиш таклифини рад этди ва ўзини Ци сулоласининг туркутларга қочиқ кетган сўнгги вақили Гао Шао-ининг тарафдори деб эълон қилди. Мана шу хизмати учун унга канцлер рутбаси берилди (бу мансабни эгаллай олиш имконц йўқ эди, албатта). Бэй Чжоунинг хаддан ташқари қучайиб кетишидан ўзича ҳадиксираган туркут хони мағлуб бўлган сулола томонини олди. Бу иттифокка ўз императорига қарши исён қўтарган, Фанъянда (Пекин теваарагида) мустиқкам ўрнашиб олган сарқарда Люй Чжан цзи ҳам қўшилди.

Гао Бао нин қўл остидаги барча қучларни тезда сафарбар қилиб, Гао Шао и тарафини олди. Бироқ кечикди. Унинг лашқари энди Ляохе дарёси қирғокларига етганда, Фанъян вайрон қилинган ва қўзғолон бостирилган ҳақида ҳабар қелди. Гао Шао и туркутларга қайтди, Гао Бао нин ўз вилоятида мустиқкамланиб олди.

Бэй Чжоу учун энг дахшатли душман туркутлар бўлиб қикди. 578 йилда Тобохон Хитойга бостириб қирди ва Чжоу қўшинини қириб ташлади. 579 йилда бошланган музоқаралар тўхтатилиб, давом эттирилган ҳарбий ҳаракатлар туркутларга зафарли бўлди. Аммо Хитой элчиеи совга-саломлар билан Тобохонни ўзига ағдариб олишга муваффақ бўлади ва 580 йилда тинчлик битими тузилиб, унга биноан Гао Шао-и Чжоу давлатига топширилиб, пойтахти Чанъанга қелтирилади. Гао Шао-и Сичуанга сургун қилинади ва ўша ерда оламдан ўтади.

580 йил туркут қудратининг қўқкига қўтарилган йили бўлди. 581 йилда Тобохон вафот этади. Хитойда Чжоу сулоласини ағдариб, Суй сулоласига асос солган ҳарбий генерал Ян Цзян туркутларни ўлғудек ёмон қўрарди, бу ўз навбатида сиёсий вазиятни ўзгартириб юборди. Ўз душманларидан анча қўп яшаган Гао Бао нин Чахарда мустиқил бек бўлиб қолади ватуркут хонлари билан иттифокда яшайди.

Гарбдаги уруш. Шарқий чегараларда фаоллик қўрсатаётган туркутлар айнаи чоғда гарбга ҳам юришлар уюштириб турардилар. Афсуски, бу ниҳоятда муҳим воқеалар манбаларда етарлича ёритилган эмас, бироқ, шунга карамай, воқеалар жараёнини умумий тарзда баён қилиш мумкин.

Гарбга ҳарбий юришларни Буминнинг уқаси Истами коон бошқарган. Олдинги юришларда Истами коон Бумин билан бирга асли угорлардан бўлиши эҳтимол бўлган Шимолий Олтой қабилаларининг ўн нафар оксоқоллари устидан қўмондонлик қилган. Уларнинг ҳозирги насллари турклашиб кетган шорлар, қумандилар, қу қиж (лебедин)лар ва бошқалардир. Истами хоннинг исми ҳам турки эмас. Бу исм угорча бўлиб боболар рухининг номланишидир. Хитойлар унинг асқари саногини 100 минг дейдилар, лекин бу рақам асқарларнинг ҳақиқий ададини эмас, балки сарқарданинг рутбасини

ифода этади. Бу рутба энг олий бўлиб бу ракам унинг "баходир жабгу" унвонига мувофикдир.

Истами ўз аскарый юришини 552 йилдан анча кейин бошлаган, чунки мазкур йилда абарлар хали мустакил кабила бўлиб, Буминнинг дафн маросимида тортиқдар жўнатишган. Бу юриш 553 йил кузида - жужанлар узил-кесил тор-мор келтирилгандан кейин бўлган кўринади. Юриш бошланишининг энг ишонарли санаси 554 йилнинг бахори бўлиши керак. Чунки бу пайтда жужанлар тумтаракай килинган, отликаскарлар учун энг мухими — дашт ўт-ўланлар билан копланган эди.

Юришнинг шиддатига караганда, туркутлар жиддий бир каршиликка дуч келмаган. 555 йилда уларнинг кўшини "Гарбий денгизга" етиб боради. "Гарбий денгиз" деб Каспий денгизини эмас, Орол денгизини тушунмок керак, бинобарин Фирдавсий Истами салтанатининг чегараларини куйидагича таърифлайди: "Чиндан (Хитойдан) Жайхунгача (Амударёгача) ва Чочнинг нариги томонидаги Гулзариунгача (Сирдарёгача)".

Ушбу иктибосга асосланиб 555 йилги чегараларни анча аник белгилашимиз мумкин: чегарачизиги Тошкентдан сал шимолрокдан, Сирдарёнинг шимол томон бурилиш нуктасини кесиб ва кенглик (жугрофий) йўналишида Амударёнинг куйилиши ва Орол денгизининг жанубий киргоклари бўйлаб ўтган. Сўгдиёна ва Бухоро ўша вақтларда эфталитларга бўйсунарди, табиийки туркутлар улар билан тўқнашадилар. Шундай қилиб туркутлар бир ярим йил ичида бутун Марказий Козогистонни, Еттисувни ва Хоразмни ишғол қиладилар.

Бирокундан уёгига юриш оғирлашиб борди. Орол денгизининг шимолий киргокларида туркутлар хуни (хионит), вар ва оғор кабилаларининг қаршилигига дуч келишди. Фақат 558 йилга бориб бу кабилалар мағлуб этилди ва туркутлар бўйин эгишни хохламаган қавмларни олдиға солиб қувлаган холда Волга дарёсига етиб келишди. Бу қочкинлар вар ва хуни кабилалари қолдиқлари бўлиб, адади 20 минг кишини ташқил этади ва кейинроқ авар номи билан ягона қавм бўлиб уюшади.

Туркутлар Уралолди чўлларини забт этиш билан қаноат ҳосил қилиб, Волгадарёсини қечиб ўтмадилар. Истамининг гарбга юриши шунинг билан чегараланди. Тўрт йил давомида эришилган зафарлар ҳоконлик олдиға қатор сиёсий янги масалаларни қўйди. Осиёнинг бутун даштини қамраб олган янги салтанатнинг пайдо бўлиши Хитой, Византия ва Эрон дипломатияси учун қатта бир аҳамиятли омил бўлди. Асосан, Византиянинг узокни қўзлаган ва нозик сиёсати туфайли VI юзйилликнинг 50-йиллари охирида Қора денгиз бўйида сиёсий вазият анча мураккаб ва қескин эди. Қуйи Днепр ва Дон пасттекисликлари булғорлар тоифасидан бўлмиш қутургурлар томонидан эгалланган бўлиб, уларнинг қариндошлари утургурлар Кубанда яшардилар. Қутургурларнинг Фракияға босқинидан қада бўлган Византия тортиқдару элчилар воситасида утургурларни қутургурларға қижғижларди. Юстинианнинг устамонлик билан тутган сиёсати бу икки қардош кабилаларнинг бир-бирини қутлақо қириб ташлаш қаражасига олиб қелди.

Утургурлардан шарқ томонда, Қума дарёси қавзаси ва Қогистонда ўта қанғари кабила — қабирлар яшарди. Қабирлар Византия-Эрон урушида қастлаб Эрон томонида, сўнғ эса унға қарши қавол иштирок этган эди. 552 йилда улар Ағванияни босиб оладилар, бирок 554 йилдаёқ қорслардан қарба ейди.

...Бирок қутургурлар етакқиси Заберган юнонларнинг душмани бўлиб, Византия ва унинг иттиқоқчилари: утургур ва антлар билан қурашиш учун янги иттиқоқчи топилишидан

беҳад хурсанд бўларди. Ҳақиқатдан ҳам, аварлар утургурларни яксон қилиб, кутургурлар жабҳа ортини хатардан холи қилган захотиёк Заберган Болкон томон янги юриш уюштириб Константинопол кентдеворигача етиб борди. Айни чоғда Константинополга аварлар элчилари кетидан туркутлар элчилари етиб келди ва улар яхши кутиб олинди (558 й.). Юнон-авар муносабатлари совишида бунинг ҳам аҳамияти борлиги эътибордан холи эмас.

Шундай қилиб, 558 йилда Византия империяси учун янги қудратли душман пайдо қилиб ва ҳавфли қўшнилари ўз чегараларидан Болкон томон қузатиб форс дипломатияси қатта ғалабага эришди. Кейинги воқеалар асносида маълум бўлдики, форс-авар иттифоқи то 628 йилгача давом этди, бу иттифок Византия империясини қулатишига сал қолди.

Антлар аварларга асосий вазифаларидан бири асирларни тўлов бериб қайтариб олиш бўлган Мезамирни элчи қилиб юбориб, улар билан қелишишга интилишди. Аварлар ҳузурида Мезамир ўзини шу даражада ношуд, мағрур тутдики, элчилик мақомига ҳам қарамасдан аварлар уни ўлдиришди. Элчини ўлдиргач, аварлар антларни талаш ва қулларга айлантришда давом эттилар.

Кутургур сардори Заберган қудратли иттифокчисига таяниб, шарқдан унга ҳеч қим таҳдид эътибордан олмаслигига ишонч ҳосил қилди ва қлавинлар билан иттифоклашиб Византия ерларига бостириб қирди. 559 йил март ойида у Дунайдан муз устидан ўтиб лашқарини уч қисмга ажратди: бири Македония орқали Элладага қараб юриди ва Фермопиламга қириб борди, иккинчиси Фракия Херсонесини қўриқлайдиган истехкомларга таҳдид қолди, унинг ўзи бошқарган учинчи қисм Узун деворнинг қилзиладан захм етган, қоқайдларча қикланмай қолган қойидан империя ичкарасига суқилиб қириб олди. Константинополликларни ваҳима қосди, ҳамма унутиб юборган қекса қарбий қўмондон Велизарий сафарбар қилинди, у варварларни қойтахтдан улоқтириб ташлади. Бошқа бўлуқлари ҳам мағлуб этилди. Шунда ҳам Заберган Фракияда қарорқох қунёд қилиб, теқарак-атрофни талашда давом этди. Бу ҳолат уларга ҳам утургурлар қабн "тухқалар" ваъда қилиниб, қатта микдорда қул тўланмақунча давом этди. Ана шундан кейингина кутургурлар Фракияни ташлаб қикишди.

Юстиниан утургурлар сардори Сандилх билан шоқилинч қабарлашди ва утургурлар Фракиядан қайтаётган кутургурларнинг бир бўлинмасига ҳужум қилиб уларни қириб ташлади ҳамда Сандилх қўлга қиритган ўлжаларни юнонларга қайтарди. Ана шу воқеадан кейин бу икки қавм орасидаги уруш уларнинг қар иққаласини ҳам толиқтириб қўйдики, бу аварларга қуда қўл қелди.

565 йилда империяни қудратли деб ўйлаб II Юстин аварларга тўловни тўхтатиб қўйди. Бироқ аварлар қудрати ошқандан ошиб борарди. 565 йилда улар Тюрингияни янқиб, франк қироли Сигезберт билан уруш олиб борар ва қўли қаланд қелаётган эди. 567 йили аварлар лангобардлар билан иттифокца Византиядан мадад олаётган гепидларни тор-мор этиб Тисса воқасини эғалладилар.

Лангобардлар Италияга қетганидан бир йил ўтқач, аварлар бутун Паннонияни эғасига айланган ва Марказий Оврупани дахшатга соларди. Уларнинг қудрати тарқибда авар қонига сўзсиз бўйсунадиган антлар, қарбий славянлар ва кутургурлардан иборат ёрдамчи қўшиннинг ҳам борлигида эди. Аварларнинг биринчи қони Баян 568 йилда Византияга дағдага қилиб шундай дейди: "Мен Рим ерларига шундай қишилари юбораманки, улар битта қолмай қирилиб қетса ҳам мен учун қарибир" ва қосқии учун 10 минг кутургурни юборарди.

Баён этилган ходисалар VI аср 60-йилларидаги халқаро сиёсатнинг ҳаракатга келтирувчи кучларини намоён қилади. Эрон ва Византия бир-бирларига ашаддий душман эди. Аварлар Византиянинг душмани сифатида Эрон билан иттифокчи бўлиши зарур бўлса, аварларнинг душмани туркутлар Византия билан жуда яқин муносабатларда бўлиши мумкин эди.

Кучларнинг бундай жойлашувини Эрон ва туркутлар душмани эфталитлардавлати мавжудлиги мураккаблаштириб турарди. Шунинг учун ҳам Истамихонга Юстиндан кўра Хусрав Ануширвон билан иттифокчи бўлиш зарур эди. 560 йил атрофида форслар ва туркутлар хужумкор иттифок тузишади: биринчилари "шоҳ Парвиз 60 учун хун олишни" ишташса, иккинчилари Сугдиёнанинг гуллаб-яшнаган шаҳарларига эга бўлиш ниятида эдилар.

Эфталитлар икки жабҳада эмас, ҳатто уч жабҳада уруш олиб бориш зўрида. қолдилар. Эфталитлар шоҳи Михиракула Кашмир ва Панжобнинг эгаси сифатида хиндлар билан ҳам қаттиқжанглари олиб бормоқда эди.

Эфталитларюшг тор-мор этилиши. Сосонийлар Эронининг шарқ ўлкаларида юргизган сиёсати унча яхши ўрганилмаган бўлса-да, манбаларда яқкам-дуккам учраб турадиган хабарларнинг ўзи ҳам тадқиқотчида бу сиёсат жуда нозик ва зукко бўлганлигига қаноат ҳосил қилиш учун етарлидир. Жумладан, Эрон Шимоли-Шарқий Хитойнинг қучая бошлаганини дарров пайқайди ва 556 йилдаёқ Чанъанга элчилик юборилади. Элчилик айни чоғда туркутларга ҳам юборилган бўлиб (табиийки, улар Хитой элчиларидан олдинроқ етиб келган), Истамихоннинг кизи ва Эрон шоҳи никоҳи билан мустақамланган иттифок тузилади.

Эфталитлар иттифокчиси бўлмиш жужанлардан маҳрум бўлгач, саросимага тушиб, 553 йилда Хитой билан мулоқот ўрнатишга интиладилар, бироқ Гарбий Вэй императори Йуйвин Тай туркутлар билан иттифокчи бўлгани учун ҳам эфталитлар таклифига эътиборсиз қараган бўлса керак. Эфталитларнинг ўз орасида ҳам ҳамжихатлик йўқ эди. Давлат арконларидан бири Катулф шоҳ Гатфарни уруш қилишига қаршилиқ қиларди, аммо оқибатда ҳақоратланган киши сифатида ўз қавмини сотиб Эрон шоҳи ҳузурига қочиб кетди. Жиддий ҳарбий ҳаракатларни 560 йилда шоҳ Гатфарнинг ўзи бошлаб юборди. Хокон ва шаҳаншоҳнинг ўзаро яқинлашувидан ҳадиксираб, бундай яқинлашувга имкони борица тўсқинлик қилмоқчи бўлди. Сугуд ҳудудидан ўтаётган туркут элчилигининг ҳамма аъзолари, бир нафар отликчан бошқаси, қириб ташланди. Қочиб қутулган сувори бу машъум хабарни Истамихонга етказди. Истамихон мавжуд барча қўшинларни сафарбар қилди, уларнинг орасида аввал эфталитларга қарам бўлган хўтанликлар ҳам бор эди. Хусрав Ануширвон иттифокчисидан олдинроқ ҳаракат бошлаб, 562 йилда эфталитларни мағлуб этди, бироқ уруш бу билан тугамаганди.

Туркут илгорининг биринчи қурбони Чоч (Тошкент) бўлди, бу ердатуркутлар қатлиом уюштирди. Кейин Чирчик дарёсидан ўтган туркутларнинг асосий қучлари Маймургда ўз илгори билан қўшилди.

Эфталитлар Бухорога ҳамма қучларини тўплади, бироқ Гатфар туркутларнинг ажойиб отликлари текисликда устунликка эга бўлишини ўйлаб, жангни Насаф (Қарши)да тоғли жойда қабул қилишни лозим топди.

Фирдавсийнинг ёзишича туркутлар бостириб келар эканлар сугудлар қўп йиглардилар, бироқ эфталитлар учун жанг қилишни истамас эдилар. Насаф ёнидаги жанг саккиз кун давом этиб, эфталитларнинг тўла-тўқис мағлубияти қарам тугади (565 й.). Омон қолганлар Эфталит давлатининг мустанқил яшаш қуни тугаганлигини фаҳмлаб, Гатфарни

агдариб, унингўрнига Чагониён беги Фагонишни шох этиб сайладилар ва туркутларга карши тура олади, деб ўйлаб, унга Хусрав Ануширвонга бўйсунуш мажбуриятини юкладилар.

Бир пайтнинг ўзида хоконнинг хати ва Фагонишнингтобелик хакидаги таклифини олган Хусрав на унга ва на бунга жавоб берди. Арбобларнинг гарбий чегаралар бўш қолишдан чўчиб қаршилиқ қилишига қарамай Хусрав ўзи бошчи бўлиб бутун қўшини билан Хуросонга юрди. Умумий душман бартараф қилинган, иттифокчилар душманга айланишди. Умумий душманни йўқ қилиш зарурати парда мисол тўсиб турган Хокон ва Эрон орасидаги қелишмовчиликлар энди очилиб қолди. Бу қелишмовчиликлар жуда чуқур экан, ҳатто чиқиштириб бўлмас даражада экан. Бу масалани кейинги бобда таҳлил этамиз, ҳозир эса эфталитларга қайтайлик.

Ўрта Осиёда ҳукмронликка қурол қучи ва шафқатсизлик натижасида эришган эфталитлар бу мамлакатлар аҳолиси наздида обрў қозона олмадилар.

Ўрта Осиё учун VI юзйиллик иқтисодий ва маданий юксалиш асри бўлди. Шаҳарлар бойиди, ўсди, зироат, ҳунармандчилик ва савдо гуллаб-яшнади. Сугудлар бу замонда тажрибали воситачи савдогарлар сифатида ўзларини кўрсатди. Улар Хитой ва Ўрта Ер денгизи орасида мулоқот ўрнатдилар, бунинг учун қадимий қарвон йўлларида фойдаланишди. Аммо мунтазам тижоратга жўжанларнинг қарқочилиги, эфталитларнинг қўшилари билан тинимсиз уруш олиб боришлари ҳалакит берарди. Сугдиёна ва даштнинг бирлаштирган туркутлар савдо учун кенг имкониятлар яратишди, сугуд савдогарлари туркут хонининг садокатли фуқароларига айланди- Туркутларга ҳам ана шундай ўзларига мойил фуқаролар зарур эди. Шу тарзда Ўрта Осиё хоконлигининг ажралмас бир қисмига айланди. Вужудга келган вазият эфталитларнинг интиқом олишига йўл бермади ва улар ўзлари жойлашган тоғлардан нари қилжий олмадилар, улардан соғ қолганларининг насллари ҳамон ўша ерларда яшамоқдалар.

Лев Гумилев